

АДОЛАТ



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОЙ-СИЁСII ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 йил —
ҲОМИЙЛАР ВА
ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

2005 ЙИЛ 8 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 49 (545) • E-mail: adolat_gazeta@sarkor.uz

ИНСОН, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ ҲАМДА МАНФААТЛАРИ - ЭНГ ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 13 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намоёндалари, пойтахт жамоатчилиги, юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этдилар.

БУЮК ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Конституциямиз асослаб, белгилаб берган кўрсатма ва тамойилларни, олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларни нафақат тушунтириш, тарғиб қилиш, балки ҳаётга кенг татбиқ этишнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

Ўтган даврда Конституциянинг ҳаётий негизи нақадар мустақам экани, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос экани яққол тасдиғини топди. Мамлакатимизда тинч ва осуда ҳаётнинг ҳукм суриши, эришляётган ютуқларимиз, истиқболга ишончимиз ва истиқлолга садоқатимиз замирида Бош Қомусимиз белгилаб берган ҳуқуқий асослар турганини бугун ҳар бир юртошимиз чукр хис этмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг илк кунлариданқон инсон эрки, унинг бахт-саодати бош ғоялардан бирига айланди. Инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган ислохотлар жамиятимизнинг янада гуллаб-яшнашига, кишилар турмушининг фаровонлашувиға хизмат қилмоқда.

Халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётида рўй бераётган буюк ўзгаришларнинг туб моҳияти Конституциямизда белгилаб, муҳрлаб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлар, асосий тамойилларни ҳаётга тўлиқ татбиқ этиш билан боғлиқдир. Ўзбекистон танлаган йўл — демократик ривожланиш ва фуқаролик жамиятини қуриш йўли ҳам Асосий Қонунимизда белгилаб берилган. Биз демократия ва эркинликнинг умумэтироф этилган ва асосий принципларига таянадиган, айни чоғда мамлакатимизнинг тарихий, миллий хусусиятларига, халқимизнинг дунёқарашига асосланган ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўлимизга — тараққиётнинг «Ўзбек модели»га доим содиқмиз.

Юртошимиз бошлаган ишларимизни кенг қўламда, жадал суратлар билан давом эттириш борасида олдимизда турган муҳим масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Мамлакатимизда ҳар бир янги йилни янги ном билан аташ аънава тусини олган. Президентимиз таъкидлаганидек, бундай эзгу аънава замирида миллионлаб инсонлар манфаати, оилалар тотувлиги, соғлом авлод камолоти, она ва бола ҳимояси, қарияларнинг қадрига етиш, маҳалла ва хонадонлар ободлиги, кишилардаги меҳр ва муруват туйғуларини юксалтириш ҳисси муҳассам.

2005 йил — Сихат-саломатлик йилида жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва маънавий бой авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. «Соғлом халқ, соғлом миллат»гина буюк ишларга қодир бўлади» шиорида ўз муҳассамини топган ўшбу йилда эришилган улкан ижобий натижалар авваламбор тиббий соҳани янги босқичга кўтаришга, халқимиз ҳаётини янада яхшилашга қаратилди.

«Сихат-саломатлик йили» дастури қабул қилиниб, унда юртодошларимиз кенг қўламда фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, оналар ва болалар скрининги тизимини такомиллаштириш, ёлғиз кексалар ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож инсонлар саломатлигини асраш, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни сомонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш масалаларига кенг ўрин берилди.

Ўшбу Дастур тиббий хизмат соҳасида замон талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш, тизим ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш каби бошқа бир қатор амалий ишлар учун ҳам муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кириб келётган янги — 2006 йили мамлакатимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Юртошимизнинг бу таклифини йиғилганлар гулдурос қарсаклар билан маъқулладилар.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг катта концерти билан якунланди.

(ЎЗА)

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Ассалому алайкум, муҳтарам ватандошлар!

Авваламбор, сиз, азизларни Конституциямизнинг ўн уч йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, сизларга, сиз орқали бутун халқимизга ўзимнинг чукр ҳурмат ва эҳтиромимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Қадри дўстлар!

Ҳақиқатан ҳам, 8 декабрь — Конституциямиз қабул қилинган кунни катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик воқеа сифатида кенг нишонлаш ҳаётимизга тобора чукр кириб бормоқда.

Ўшбу кулгул сана умумхалқ байрамларимиз қаторидан муносиб жой олиб, юртимизда яшаётган ҳар қайси фуқаро, ҳар қайси оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда Конституциянинг бекиёс ўрни, аҳамияти ва таъсирини яна бир бор эслаш ва тасаввур қилишга ундайди.

Мана, ўн уч йилдики, биз эски тузум асосларидан, миллий табиатимизга ёт ва бегона бўлган мафкуравий қарашлардан воз кечиб, ўзимиз кўзлаган янги ҳаёт, янги жамият қуриш, унинг конституциявий асослари ва тамойилларини белгилаб олишда Асосий Қонунимизга таяниб ва суяниб иш олиб бормоқдамиз.

Ана шу ўтган давр мобайнида халқимиз сиёсий тафаккури, ақл-заковатининг кўзгуси бўлмиш Конституциямизнинг ҳаётий негизи нақадар мустаҳкам эканига, у бизнинг миллий қадриятларимиз ва айни пайтда умуминсоний талабларга ҳар томонлама мос келишига тақдор ва тақдор ишонч ҳосил қилдик.

Биз мустақил тараққиёт йилларида босиб ўтган ғоят мураккаб ва масъулиятли, машаққатли ривожланиш йўли давомида қандай жараёнларга дуч келмайллик, қандай оғир синовларни бошимиздан кечирмайллик, Конституциямиз ҳамиша юртимизни, халқимизни турли бало-қазолардан асраш, ўта таҳликали вазиятларда яққаю ягона тўғри йўлни топиш ва келажакка ишонч билан қарашда асос бўлиб хизмат қилмоқда, десак, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Бугун Конституция тўғрисида, унинг маъно-мазмунини ва устувор тамойиллари ҳақида гапирар эканмиз, Асосий Қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли, деб биламан.

Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Бунинг учун барча фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини чукр англаб олиши ва сиёсий савиясини ошириши лозим. Айниқса, ўшбу конституцион тамойилга биринчи галда мансаб ва амалий вазифаларда ўтирганлар, ҳуқуқ тартибот идоралари ходимлари ўзининг қундалиқ фаолиятида оғишмай рияз қилиши зарурлигини бугунги кунда энг долзарб масала сифатида ўртага қўйсак, ўйлайманки, ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу ўринда давлат қурилиши ва унинг тараққиёти, жамиятимизнинг демократик

янгилиниши, иқтисодийетимизни ривожлантириш ва эркинлаштириш, маънавий-маърифий ишлар билан боғлиқ бўлган, қисқача айтганда, олдимизда турган барча муаммо ва вазифаларни ечишда «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун» деган теран маъноли фикрни асло унутмаслигимиз керак.

Содда қилиб айтганда, бугун қайси соҳани олмайлик — бу пахта ёки галла етиштириш бўладими, ижтимоий ҳаётимиз ёки янги-янги қурилишлар, шаҳар ва қишлоқларимизни ободонлаштириш бўладими — нимаики иш қилмасак, уларнинг ҳаммаси охири-оқибатда инсон учун, шу юрда яшаётган одамлар учун қилинаётганини кўриш қийин эмас.

Барчамиз ҳолисона тан олишимиз керак — кўпгина қундалиқ ҳаёт ташвишлари билан банд бўлиб, мана шу оддий ҳақиқатни, афсуски, эсимиздан чиқариб қўямиз.

Шу борада яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлайман.

Бугун юртимизда демократик давлат, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида амалга оширилган катта-катта ўзгаришларни нафақат ҳаётимизни четдан кузатадиган одамлар, ҳатто ганимларимиз ҳам инкор этолмайд.

Лекин, таассуф билан таъкидлаш лозимки, ана шу тараққиётга етилиш, олдимизга қўйган марраларга эришиш йўлидаги муаммолар, қийинчилик ва етишмовчиликлар, жойларда йўл қўйлаётган хато ва нуқсонлар, учраётган тўсқин ва ғовлар, содир бўлаётган жиноятлар ҳақида ошқора гапиршиш, бу тўғрида одамларга ҳаққоний ва холис ахборот етказишда

биз ҳамон заиф бўлиб келмоқдамиз.

Очигини айтганда, собиқ тузумга хос қолдиқ ва асосатлар, барчамизнинг онгимизда ҳали-бери сақланиб қолётган эскича ёндашув ва қарашлар бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Барака топқурлар, агар биз эришган ютуқларимизни эътироф этиш билан бирга, мавжуд камчиликлар, йўл қўяётган хатолигимизни аввало ўзимиз таъкидий кўз билан баҳолаб, аниқ ҳақиқатни биринчи галда ўзимизга айтадиган бўлсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, аксинча, ҳаётимиздаги мана шундай нуқсонларни ўз вақтида бартараф этиш имконига эга бўламиз.

Бу ҳақда гапирганда, мен ўта муҳим масалага алоҳида урғу бериб ўтмоқчиман.

Биринчидан, барчамиз ҳаётимизда ҳанузгача учраб келётган лоқайдлик ва бепарволик асосатларидан бутунлай халос бўлишимиз зарур.

Иккинчидан, мамлакатимиз ва унинг атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга доимий дахлдорлик ҳисси билан яшашимиз зарур.

Токи шу юрда яшайдиган ҳар қайси инсон ана шу мураккаб ижтимоий жараёнлардан ҳар томонлама хабардор бўлиб, уларга нисбатан ўз фикри ва муносабатига эга бўлсин, нима ҳақиқату нима бўхтон ва уйдирма эканини англаб ета олсин.

Учинчидан, ҳар бир фуқаро ўзининг, оиласининг тақдири ва эртанги кунини устувор ривожланиш йўлимида ғов бўлиб турган тўсқинларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак.

Бугун ҳаётга мана шундай ёндашувни замоннинг ўзи талаблаган бўлишига ва бу кескин талаблардан бош тортиб бўлмайди.

Бу ўринда гап қандайдир таърибот-ташвиқот ҳақида эмас,

балки одамларнинг кўзини очиб бериш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда.

Чунки ҳозирги даврда, халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва жамият энгилмас қўлга айланиб, ўз келажагини ўз қўли ва ақл-заковати билан қуришга қодир бўлади.

Бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятнинг демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса, сўнгги пайтларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганини яққол кузатиш мумкин ва буни табиий ҳол, деб қабул қилишимиз керак.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистонимизнинг демократик янгилини ва янги жамият қуриш йўлида асос қилиб олинган пойдевор ва тамойилларни ҳақида муҳтасар қилиб, қисқа таразда эслатиб ўтмоқчиман.

Биринчидан, бугунги замонда асосий демократик тамойилларни рад этадиган бирон-бир давлатни ер юзидан учратиш ўзи қийин, деб ўйлайман. Лекин демократияга эришиш, унинг асосларини яратиш учун аксарият давлатларга ўн-ўн йиллаб вақт керак бўлган бўлса, кўпгина давлатлар энди-энди бу жараёнга киришмоқда.

Иккинчидан, барча мамлакатлар учун, уларга хос хусусият ва аломатларни ҳисобга олган ҳолда, бирдек мос келадиган яққаю ягона — универсал демократия модели йўқ ва бўлиши мумкин эмас.

(Давоми 2-бетда)

Асос ва такомил Қомусда мужассам



Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданий ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси)

Конституция қизиқарли асар экан

Эндигина 14 ёшга тўлган мустақил юртимизни тобора кўкка бўй чўзаётган ниҳонга ўхшатаман. Бу навиноҳол эрта бир кун, албатта, забардаст дарахтга айланади. Зотан, унинг илдизлари бакувват, она замин ила бир тан-бир жон бўлиб кетган.

Юртимизда байрамлар, яхши кунлар кўп. Бугун яна бир кулгул сана — Конституция қабул қилинганнинг 13 йиллигини умумхалқ байрами сифатида нишонлаяпмиз. Мен таҳсил олаётган билим даргоҳида ҳам шу муносабат билан бир талай ибратли тadbирлар бўлиб ўтди. Чунончи, «Конституция - ҳаётимиз қомуси» мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинар барча тенгдошларим қатори менда ҳам унутилмас таассурот қолдирди. Чунки у Конституция тўғрисидаги билимимни янада бойитди.

Коллекчимизда ҳар йили аънавий тарзда «Сиз қонунни биласизми?» номли курик-танлов зўр муваффақият билан ўтказиб келинмоқда. Бу галги танлов ҳам гоятда қизиқарли ўтди. Изланувчан, тиришқоқ тенгдошларим билими яна бир қарра синалди. Мазкур тadbирлар давомида шунга амин бўлдимки, Конституция - ҳаётимиз қомуси, янаям соддароқ айтганда, қизиқарли асар экан. Конституцияни ўқир эканман, унинг ҳар бир банди, моддаси сермазмун, ҳаётнинг муайян қиррасини ўзида акс этган, энг асосийси давлат ва жамият тузилиши, фуқароларнинг ҳуқуқларининг кафолати, мулк ва ҳужалиқ фаолиятининг ҳуқуқий асоси ва ривожланиши тукис ифода этганлигини англадим.

Шу боис тенгдошларим билан уни янада мукаммалроқ ўрганишга аҳд қилдик.

Шерали ЖўРАЕВ,
Сирғали тиббиёт коллежи талабаси

Ватаннинг юксак мукофотлари топширилди

Улуғ байрамларимизни шодиёна билан нишонлаш эзгу удулларимиздан. Аънавога кўра энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг 14 йиллиги арафасида, Президентимиз Ислам Каримовнинг фармонлариға мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, эл-юртимиз илм-фани, маданияти ва маънавиятини юксалтириш, фаровонлиги, тинчлиги ва осийишталлигини янада мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари учун бир гуруҳ юртодошларимиз Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди.

Оқсарой қароргоҳида 7 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Бугун Оқсарой қароргоҳида, мана шу муҳташам залда Конституция байрами арафасида сизлар билан учрашиб, дийдор қуришиб турганимдан хурсандман, - деди Юртошимиз. - Авваламбор, юксак мукофотларга сазовор бўлган сиз, азизларни давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан чин қалбимдан табриклаб, сизларга ўзимнинг самимий

тимизнинг тез суръатлар билан ўсиб бораётгани, ижтимоий, маънавий ҳаётимизда, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида қўлга киритилган салмоқли ютуқларимиз, ўйлайманки, ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Бундай ўзгаришлар мана шундай бунёдкорлик ишлари билан қилинган ҳам иштирокимиз, ҳиссамиз бор, деб барчамизга гуруру ва ифтихор бағишлаши табиийдир. Мана, ўз ниҳоясига етиб бораётган, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўрин олаётган 2005 йилнинг якунига эътибор қаратайлик. Диктатингизни фақатгина учтўртта рақамга жалб қилмоқчиман, деб таъкидлади Президентимиз.

(Давоми 3-бетда)



Ватаннинг юксак мукофотлари топширилди

(Давомий. Боши 1-бетда)

Жорий йилда мамлакатимиз бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми 107 фоизга, аҳолининг реал даромадлари эса 124 фоизга ўсгани, қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоғи бўлмиш галлачиликда 6 миллион тонна, яъни 90-йилларга нисбатан ўн қарра қўп, пахтачиликда 3 миллион 750 минг тонна, яъни охириги ўн йил давомида энг катта ҳосил олишга эришилгани, янги-янги замонавий саноат қорхоналари, шинам уй-жойлар, шифохоналар, мактаб, лицей ва коллежлар ишга туширилаётгани, амалга оширилаётган кенг қўламдаги ободончилик ишлари бу фикрни яққол тасдиқлайди ва исботлайди.

Бизнинг бундай изчил ва барқарор суръатлар билан олдинга қадам қўяётганимизнинг асосий сабаби ва пойдевори нимада, деган савол пайдо бўлиши табиий, албатта.

Уйлайманки, биринчи навбатда, бундай амалий ҳаракатларимизнинг асосий омил ва мезонини халқимизнинг, одамларимизнинг сиёсий савияси ўсишида, ўзгариб бораётган дунёқароши, ҳаётга, меҳнатга муносабатида, шу муқаддас юртга эгаллик ҳиссиёти тобора ортиб бораётганида кўришимиз даркор.

Уларнинг негизда мана шу мўътабар заминда яшаб, ўз иши, ўз касбига садоқат қўйиб, самарали меҳнати билан бошқаларга ибрат бўлиб келаётган минг-минглаб юртдошларимизнинг ақл-заковати, куч-ғайрати, билим ва истёдоди мужассам эканини бугун яна бир бор мамнуният билан эътироф этамиз.

Мамлакатимиз - Ватанимиз тиңчилиги ва тараққиётга, юртимизни обод, ҳаётимизни фаровон қилишга катта ҳисса қўшиб келаётган - бу қайси соҳа ва тармоқ бўлмасин, ундан қатъи назар - бундай фидойи инсонларнинг меҳнатини муносиб баҳолаш ва қадрлаш давлатимиз, жамиятимизнинг шарафли вазифаси, бурчидир.

Шу маънода, бугун мана шу муҳташам зални тўлдирган сиз, азиятларни ана шундай ватандошларимизнинг муносиб вакиллари десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз, деди Президентимиз.

Бу ҳақда гапирганда: авваламбор, ризқ-рўзимиз бунёдқори бўлган, ерга доимо қалбини, меҳрини бериб яшайдиган заҳматқаш деҳқонларимиз, қорхоналаримизда астойдил тер тўкиб меҳнат қўлаётган ишчиларимиз вакиллари; (Ў.А.)

маънавий ҳаётимиз таянчи бўлган илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва санъат олами фидойилари, ижодкор зиёлиларимиз намоёндаларига;

Ватанимиз мустақиллигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачигдай асраш, тиңч ва осийш ҳаётимизни сақлашнинг мустаҳкам ва ишончли гарови бўлмиш ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот ва ҳавфсизлик идоралари ходимларига;

жаҳон майдонларида юртимиз шўхратини бутун дунёга тараннум этаётган спортчи ўғил-қизларимизга - барча-барчангизга фидокорона меҳнатингиз учун яна бир бор Ватанимиз, бутун халқимиз номидан чин қалбимдан миннатдорлик билдириш, раҳмат айтишни ўзимнинг шарафли бурчим деб биламан, деди Ислоҳ Каримов.

Мана шу фурсатдан фойдаланиб, куни кеча, бугун жойларда ана шундай юксак мукофотлар топширилаётган барча юртдошларимизни ҳам ўзимнинг энг яқин кадрдонларим каби гоҳибона бағримга босиб, самимий табриклайман.

Шундан сўнг Юртбошимиз давлатимизнинг олий мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Барчангизга ярашиб турган, эл-юртимизнинг ҳурмат ва эътибори рамзи бўлган мана шу унвон, орден ва медаллар сизларга буюрсин, янги ва юксак марралар сари руҳлангирсин. Ҳаммангизга тиңчлик-омонлик оилаларингизга бахту саодат, файзу барака тилайман, — деди Президентимиз Ислоҳ Каримов.

Тақдирланганлар номидан сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Ағитай Адиллов, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби Шавкат Раҳматуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ойдин Анорова, «Қасорат» медални нишондори Авазбек Тожиев, «Меҳнат шўхрати» ордени соҳибдорлари Ирина Павловская, Файзулла Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо ушбу мукофотлар бундан буён Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнати янада юксак суръат ва шижоат билан давом эттиришга ундашини, янги-янги марраларни эгаллашга рағбатлантиришни таъкидладилар. Юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Олий юридик ҳужжат

Давлат ва жамият ривожининг муҳим йўналишлари ва уларнинг тузиллишларини белгилаб берадиган, тартибга келтирадиган олий юридик ҳужжат конституциядир. Унинг нормаларида давлат сиёсатининг принциплари, шакл ва услублари, уни амалга ошириш механизмлари белгилаб берилади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг, халқ манфаатини ифода этувчи демократик давлат, деб эълон қилинди. Ижтимоий таъминланган бозор иқтисодиёти, қўл партиявийлик, фикрлар ва мулк шаклининг хилма-хиллиги каби сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар республика учун ана шу шароитта мос Конституция қабул қилишни тақозо этди.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятларни ўзида мужассам этган ҳамда ривожланган давлатларнинг тарихий таърибасига таянчилган ҳолда яратилган. Конституцияга кўра, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар. Бу эса фуқаролар манфаатининг устуңлиги қонун билан мустаҳкамланганидан далолатдир. Шу билан бирга илк бор мулкчиликнинг хилма-хил шакллари, тадбиркорлик, эркин меҳнат қилиш ҳуқуқига асосланган бозор муносабатларига ўтиш принциплари унда ўз аксини топган, хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши таъкидланган. Бундан қўзланган мақсад эса, иқтисодиётни ўта марказлаштишдан, яқшақимликдан сақлаш ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб беришдан иборат.

С. АЗИЗОВ,

Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖКК Департаменти катта инспектори

Асос ва такомил Қомусда

Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат гоёси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор.

Адолат ва ҳақиқат гоёси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт.

Ислоҳ КАРИМОВ

Давлат қиёфаси

Ўзбекистон Конституцияси жаҳондаги ийрик сиёсатшунос-экспертлар томонидан халқаро меёрларга тўла жавоб берадиган мукаммал ҳужжат сифатида тан олинган.

Асосий Қонунимизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда ҳар бир инсоннинг эркин фаолияти учун барча шарт-шароитларни яратиш ўз ифодасини топган. Унга умуминсоний тоғлар — тенглик, эркинлик, миллатлараро дўстлик ва халқаро ҳамжамият билан бирдамлик гоёлари сингдирилган. Конституциямизнинг инсонпарвар моҳиятини эътироф этиб, таниқли мутахассис, профессор Л.Левитин шундай деб ёзган эди: «Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясида ҳозирги замон жамиятларига уларнинг сиёсий-ҳуқуқий ташкил этилиши нуктаи назаридан зарур бўлган деярли барча нарсалар мавжуд».

Инсоннинг табиий ҳақ-ҳуқуқларини ҳурмат қилиш Бош Қонунимизнинг етакчи жиҳатларидандир. Ҳўмладан, унда яшаш ҳуқуқига ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқи эканлиги мустаҳкамланган ҳамда киши ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятлар сирасига киритилган.

Халқ манфаатларини қафолатловчи Бош Қомусимиз бошқа янги мустақил давлатлар кон-

миз асосида мустаҳкамлади, бозор иқтисодий тамойилларига асосланган очиқ демократик давлат қуриш йўлини белгиллаб олди. Юртбошимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаб ўтганидек, «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз». Адолат ва ҳақиқат гоёси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат гоёси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт».

Биз Конституциямизни мамлакатимиз мустақиллигининг рамзи сифатида ҳурмат қилишни ўрганишимиз, ўсиб келаётган ёш авлодда Адолат Қомусига бўлган ҳўкур эҳтиромни сингдиришимиз, унинг мазмун-моҳиятини тарғиб ва ташвиқ қилишда фаол иштирок этмоғимиз лозим. Бу жиҳатдан Президент Ислоҳ Каримовнинг 2001 йил 5 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши дастуриламалдир. Фармойишда таъкидланганидек, барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Конституцияни ўрганиш бўйича чоп этилган дарсликлар ва махсус ўқув адабиётларидан унумли фойдаланишимиз зарур.

Бу борада Тошкент автомобил ва йўллари касб-хўнар коллежида ибратли ишлар йўлга қўйилган. Ўқувчилар ўртасида консти-

туциявий ҳуқуқларни билиш учун муҳим тадбирлар олиб борилмоқда. Коллежда «Сиз ҳуқуқингизни биласизми?» деб номланган тўғарак фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар йили Конституция арафасида ўқувчи ва ўқитувчилар Алишер Навоий номидаги катта академик опера ва балет театри, Миллий театр, Муқимий номидаги театр биносида ушбу байрамни тантанали нишонлайдилар. Бундай шодиёналарга ҳуқуқшунос олимлар, адлия органларининг вакиллари, таниқли артистлар таклиф этилади.

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллари
касб-хўнар коллежида масъул хо-
дими

Конституциямиз халқаро ҳуқуқий мезонларга мос ҳолда, 6 о й давлатчилигимиз тарихи, миллий қадриятлар, урф-одатларимиз талаблари асосида яратилгани жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Конституцияси, нафақат бугунги давр қомуси, балки жамиятимиз келажаги, келгуси авлодларимиз бахт-саодатини белгилаб берувчи асосий ҳуқуқий ҳужжат саналади. Унда Адолат, Ҳақиқат, Мустақиллик, Тиңчлик ва Инсонпарварлик гоёлари устуң қўйилган. Давлат ҳокимияти тизимининг принциплари, мамлакатимиз фуқароларининг бурчлари, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги ташки сиёсати унда мужассам. Давлатни конституциявий бошқариш тамойиллари, яъни ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принциплари, бирор-бир мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги, вийждон, сўз ва эътиқод эркинлиги, инсон ҳуқуқлари қафолатлари, устуворлиги сўзсиз тан олинishi мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, Асосий Қонунимизда биз қўраётган демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятининг ўзига ҳок белги ва хусусиятлари ифода этган. Бош мақсад эса бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган инсонпарвар ҳуқуқий давлат ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдир.

Қомусимиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга кўра, фуқаролик жамиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган жамоат бирлашмаларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида

Жамоат бирлашмалари

эркин ва фаол иштирокини таъминлаш учун барча имкониятлар яратилган. Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Хўссан ушбу тартиб доирасида Олий Мажлис томонидан «Ўзбекистон Республикаси жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг қасба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва қафолатлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида» ҳамда «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Асосий қонунимизга мувофиқ, фуқаролар ўзларининг конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, давлатнинг сиёсий ҳаётида партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа демократик институтлар орқали кенг иштирок этишлари мумкин. Жамоат бирлашмаларининг ўз устивларида назарда тутилган асосий мақсад ва вазифаларни бажариш имкони Конституция билан қафолатланган. Шундай қафолат фуқароларнинг ихтиёрий уюшишга бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Фуқаролик жамиятида ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларининг кенгайиб, тақомиллашди. Мазкур тизимни шакллантиришнинг му-

ҳим талаби демократик жараёнларни қўқурлаштириш ва бошқарув тизимига кенг халқ оммасининг фаол жалб этиш билан боғлиқ.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли демократик ишлохотлар ҳамда инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтиришга қаратилган аъжалмас қисми бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда жамоат бирлашмаларининг ўрни ва аҳамиятини тобора оширмоқда. Бу фуқаролик жамиятининг энг ёрқин ҳарактерли хусусиятларидан бўлиб, мамлакат тараққиётга хизмат қиладиган фикрлар хилма-хиллиги ва эркинлигига кенг йўл очади. Шунинг учун жамоатчилик фикрини инобатга олган ҳолда, амалдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонун нормаларини тақомиллаштириш, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг қафолатлари тўғрисида» ҳамда «Хайрия ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиб, амалга таъдиқ этиш мақсада мувофиқдир. Мазкур қонунларнинг қабул қилиниши эса демократик институтларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлохотлар жараёнида янада фаол иштирок этишлари учун ҳуқуқий асос яратиб беради.

Худойёр МАМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Мулк ва мулкрий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жамиятининг ижтимоий-иқтисодий ривожига муҳим ўрин эгаллайди. Айниқса, бозор иқтисодиёти шароитида асосий муаммолардан бири мулкчилик масаласи ҳисобланади. Зеро, мазкур муаммони ҳал этмай туриб, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ишлохотларни амалга ошириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам, мулкчилик ва унинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, демократик тамойилларга таянган ҳолда ривожлантириш ҳар қандай суверен давлатнинг Асосий Қонуни - Конституциясида ўз ифодасини топади.

Суверен, демократик мамлакатимизнинг асосий ҳуқуқий ҳужжати - Конституциямизда «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклларидаги мулк ташкил этиди» деган қоида белгиллаб қўйилди (53-модда). Давлат барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқчилиги муҳофаза этилишини қафолатлайдики, бу халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мос келади. Бундан ташқари, Конституциямиздаги инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари қаторида «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» (36-модда) эканлиги мустаҳкамланган. Мулкдорнинг мулкига хоҳишига қараб эгаллик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши (54-модда), хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида бўлиши (53-модда, 2-қисми) тўғрисидаги қоидалар умумэтироф этилган демократик ва ҳуқуқий тамойилларнинг ёрқин ифодасидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мулк ҳуқуқининг (шу жўмладан,

қатор бошқа институтларнинг ҳам) Конституциядаги эътирофи умумий белгилловчи тусга эгадир. Агар шакл билан мазмун категориялари ўртасида доимий зиддият мавжудлиги ҳақидаги фалсафий таълимот нуктаи-назаридан қарайдиган бўлсак, ушбу конституциявий эътироф шаклан мазмунни ўзида тулик акс эттирмаслиги мумкин. Айни пайтда, бунга ҳоҳат ҳам йўқ. Чўнки мулк ҳуқуқи Конституция талаблари асосида ҳамда унга мувофиқ равишда қабул қилинган қонунлар билан тартибга солинади.

Маълумки, мулкрий муносабатлар тарихан мулкка индивидуал эгаллик қилиш шаклида юзага келган ва ривожланган. Моддий неъматларнинг «меники», «менга қарашли» қабилида одамлар онига сингиб кетганлиги - бу тарихий факт. Кейинчалик жамият ва давлатнинг тараққий этиб бориши, табиий равишда «жамият мулки», «давлат мулки», «умуммиллий бойлик» каби тушунчаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Таъкидлаш лозимки, бундай умумий тусдаги мулк ва унга муносабат жамият тараққиёти, унинг гуллаб-яшнаши учун хизмат қилади. Лекин бунда ижтимоий муносабатлар ва жамият тараққиётида хусусий мулкнинг ҳаракатлантирувчи ролини инкор этиб бўлмайди. Конституциямизда хусусий мулкнинг бошқа мулк шакллари каби тенглиги, дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги ҳар жиҳатдан қафолатланади. Барча субъектларнинг хусусий мулкка эга бўлиши, ундан фойдаланиши, мустақил тасарруф этиши асосида ҳўжалик фаолиятини юритиш ҳуқуқлари билан бир қаторда давлатнинг ҳам ўз мулкига, яъни «оммавий мулк»ка бўлган ҳуқуқи асо-

ҳуқуқлидир. Улар тоғарла ифода этиб бериб қилинган боис бир-бирларига маъмурий тарзда бўйсунмайди.

Юқоридаги белгилардан кўриниб турибдики, фуқаролик ҳуқуқи таркибига кирувчи мулкрий муносабатлар тоғар-пул характерига эгаллиги билан шартланади. Демак, ўзида ана шу белгиларни муҳассамлаштирмаган бошқа тусдаги (масалан, солиқ, бюджет каби молиявий, маъмурий, умуммиллий (давлат) мулки бўлган ер ва бошқа табиот объектларидан фойдаланишга доир) муносабатлар фуқаролик ҳуқуқининг предмети ҳисобланмайди ва уларга нисбатан фуқаролик қонун ҳужжатлари қўлланилмайди.

Демак, фуқаролик ҳуқуқи иқтисодий ва юридик жиҳатдан мустақил субъектлар (иштирокчиларнинг тенглиги асосида юзага келадиган мулкрий ҳамда номулкий муносабатларни тартибга солувчи мустақил ва асосий ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади. Бундай демократик тамойилларнинг Конституциямизда ўз ифодасини тоғгани диққатга сазовор. Бу демократик ҳуқуқий давлатга, адолатли фуқаролик жамиятига ҳок хусусиятидир. Таниқли француз давлат арбоби Шарль де Голнинг «Конституция - бу руҳият, идрок ва амалиётнинг ижтимоий иродаси» деган иборасидан келиб чиқиб тарифлайдиган бўлсак, Конституциямиз руҳият нуктаи-назаридан демократик давлатга мос нормаларга тўлиқ жавоб беради. Асосий Қонунимиз ўз танлаган йўлимиздан оғшмай боришимизнинг ишончли гаровидир.

Рустам РЎЗИЕВ,
юридик фанлари доктори

Кўнгилларга қувонч улашиб...

Ўзбекистон Республика Конституциясининг 13 йиллиги ҳамда Халқаро ноғиронлар кўни муносабати билан Бўстонлик туманидаги 125-мактаб-интернатда хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тадбир «Адолат» социал-демократик партияси туман Кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ҳаракати Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хайрия тадбирида мактаб-интернат ўқувчиларига саховатталаб ҳомий ташкилотлар томонидан совғалар

топширилди. Айниқса, Навоий тоғ-металлургия комбинатининг туманда жойлашган «Горняк» оромгоҳи томонидан интернат учун ҳаммом куриб берилгани болажонлар қувончига қувонч қўшди.

Мактаб-интернат директори, туман партия Кенгаши биринчи котиби Турсўной Қазақова ёш авлодга қўрсатилаётган ғамхўрлик учун миннатдорчилик билдириб, педагогик жамоа фарзандларимизни ҳар томонлама

барқамол инсонлар қилиб тарбиялашда бор куч ва билимларини аямасликларини таъкидлади.

«Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши, Афғон уруши ноғиронлари республика хайрия жағмармаси ҳамда жангчи фахрийлар бирлашмаси ташаббуси билан Халқаро ноғиронлар кўнига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди. Мудофаа вазириликнинг марказий санъат саройида бўлиб

ўтган ушбу тадбирга Афғон уруши қатнашчилари, ноғиронлар таклиф этилди.

Учрашувда сўзга чиққанлар ноғиронлар жамиятда ўз ўрни борлигини ҳис қилишлари ва иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ҳаётда фаол иштирок этишлари учун республикада таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтишди. Тадбир сўнггида ноғиронларга ҳомийлар томонидан қимматбаҳо эс-далик совғалари улашилди.

Ўз мухбиримиз

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Янгишул туманидаги "НИЁЗБОШ" ширкат хўжалиги жамоаси

8 ДЕКАБРЬ

Мамлакатимиз бехқонларини, миришкорларини, барча Ватандошларимизни давлатимиз раҳми

Ва ифтихори бўлган
КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 13 ЙИЛЛИГИ

муносабати билан самимий қутлайди

Бир шарқлик мутафаккирдан: "Одамнинг инсонлиги нима билан белгиланади?", деб сўрашибди. Шунда донишманд: "Одамнинг инсонлигини унинг тили ва дили белгилайди", деб жавоб берган экан. Дарҳақиқат, тили ширин, дили очик ва бегубор инсонларга ҳаммамиз ҳавас қиламиз, улар барчамиз учун ибрат намунасидир.

Биз куйида ҳикоя қилмоқчи бўлган оддий меҳнаткаш инсон Ҳамро Тўхтаева элимизга хос бағрикенглик, қўли очиклик бор эди. Ҳамро тоғани кишлоқдошлари Ҳамро дўлоб дейишарди. "Дўлоб" — қўли очик, ширинсухан, одамхон дегани аслида. У киши оддий сувчи бўлса-да, ҳаммага ёқар, бир пиёла чойи, бир бурда нонини ҳеч қимдан аямасди.

Ҳамро дўлоб ўз ҳовлиси атрофидаги 20 гектар пахтазорнинг далабегиси эди. Паст бўйли, ҳаракатлари чакқон, оқ ятак кийиб белини қийқча билан маҳкам боғлаган, қизил патдўзи белбоғчасини тақир бошига ўраб олган Ҳамро дўлобни кеча-ю кундуз даладан топардингиз. Юзини ҳеч қачон табассум тарк этмас, қўларидан меҳр нури ёғилиб турарди.

— У кишини онаси далада туққан, уйи ҳам, ётоғи ҳам дала, — дерди сўраб борганларга дўлобнинг беозор, муллойим хотини Ултан ҳола. Тога эса қоқ пешинда ҳам уйга қайтмас, чарчаси йиғма қароватчасини сояси қуюқроқ дарахнинг тагига ёйиб, кўксини шабадага тутиб бироз пинак қилиб олларди. Қушуйку эди дўлоб тога. Ярим соат мизғиб олиб, кун бўйи қадди тик юрарди. Тўрт синф маълумоти бўлса-да, гапга чечан эди. Хосилот, бригадир, тракторчи, хуллас, кишлоқнинг почталонига унинг жайдари гурунгига иштиёқ сезарди. Чунки у кишининг бамаъни суҳбатлари даврага файз киритар, беозор қочиримлардан лаззатланиб, беихтиёр кайфиятингиз чоғ бўлиб қулардингиз.

Хўжаликнинг тўрт томонида Ҳамро дўлобнинг биродарлари бор эди. Аҳён-аҳёнда гаштаклашиб туришарди улар. Шунинг учун ҳам қўшни кишлоқлардан келган тўйхатларда унинг номи, албатта, казо-казолар қаторида зикр этиларди.

— Тушликни бирга қилайлик, деб келдим, — деб сўраб келгувчилар бўлса, Ҳамро дўлобга жон қирарди. Дарҳол аёлига дастурхон тузатиб келишни тайинларди. Хиёл ўтмай, бошида дастурхон, қўлида қумғонда чой қўтарган Ултан ҳола узокдан кўриниш берарди. Дўлоб чакқон ҳаракатлар билан беш-ўн қадам илгарилар кампинининг қўлидан нарсаларни олларди. Меҳмонга эшиттир-

май яна ниманидир тайинлар, орадан бир соат ўтар-ўтмай хуштаъм, бўйи димогингизни қипиклайдиган таом дастурхонга қўйилар эди.

Бир донишманд одамнинг рўзғори сал тортилган пайтлар экан, ярим тунда дарвозасини биров тақиллатибди. Донишманднинг ўғли дарвозани очиб қараса, рўпарасида уч-тўртта дўсти турган эмиш. Ўғил меҳмонларни ичкарига чорлаб, отасидан сўрабди:

— Ота, дўстларини йўқлаб келишибди. Қўтондаги қўйни сўямми?
— Айтиб келганмидинг ёки ўзлари йўқлаб келишибдимми? — сўрабди ота ўғлидан.
— Ўзлари йўқлаб келишган, — дебди ўғли.
— Ундай бўлса оғилдаги буқани сўй, — дебди донишманд ота.

Бу ривоятни айтиб бериб:
— Хулосани ўзингиз чиқаринг, — дерди Ҳамро дўлоб ўз ишидан мамнун ҳолатда. — Сиз мени

сўраб келибсиз. Дастурхон, таом — булар сизнинг ҳурматингиз, укажон! Ишламай салқинда ёйиб еган қазидан, далада терлаб ичган хўрда яхши, деганлар. Ҳамро тога даласига қаттиқ меҳр қўйганди. Меҳрини бериб меҳнат қиларди. Сугориш вақтини асло кечиктирмасди. Август ойларидан қатор ораларидан юриб бўлмасди. Бўйчан пўзаларда 50-60 та гача ҳосил туғунчалари санаган пайтларим бўлган. Бу чинакам меҳнатнинг ҳосиласи эди.

У кишининг отаси Тўхта бобо чўпон ўтган. Шу боисми, дўлоб тога кўп мол сақларди. 10-12 бош қорамол, 20-25 тагача қўй-эчки қўтонидан аримасди. Иззатга аригулик меҳмоннинг оёғи остига қўйми-эчкими сўярди. Эртасига эшитарди: Ҳамро дўлобнинг бир эчкиси иккита ёки учта тутибди, деб. Хайр-баракали, хушфазилат инсон эди-да.

Дўлоб тоғанинг кўп бор чойини ичиб, тўйларидан сўз айтиб, хурсанд қилиб юрардим. Бир гал уни шаҳар томонларга ҳам ўтинг, деб меҳмонга таклиф қилдим. Ниятим, тоғани тузуккина меҳмон қилиб ўтган улфатчиликлар қарадан қутулиш эди.

— Биз шаҳарга йилига бир, икки марта жуда зарурат бўлиб қолса борамиз. Сен тутилган қиш логинга тез-тез келиб туришинг шарт. Ота-онанг кексайиб бораётти, кишлоқнинг бағри кенг ука! Илоҳи бўлса, бирор қулба қуриб қўй. Бир кун иорга қайтиш бор, — дея тайинларди тога.

Ҳамро дўлобнинг кенжаси Ражаббой ҳарбий хизматга жўнайдиган бўлиб қолибди. Уша пайтлар вилоят газетасида ишлардим. Ҳарбий коммиссариат идораси билан газета биноси оралиги 200 метр. Кимдир мен ишлайдиган матбуот уйини Ҳамро дўлобга узокдан кўрсатибди.

— Чақириб келинглар, — дебди дўлоб тога. Бордим. Йигитчага оқ йўл тиладим. Вақт тушдан оғгач, кузатув эртага қолдирилгани эълон қилинди. Кузатишга чиққанларнинг кўплари хайр-хушлашиб кишлоққа қайтишди. Мен Ҳамро дўлоб билан ўғлини меҳмонга таклиф қилдим.

Эртага ҳам келиш таъиниш борлиги учун тога шаҳарда қолишга розилик берди. Узимча уни чиройли меҳмон қилиб, дўлобнинг эсида қоладиган зиёфат ҳозирлашни дилимга тугдим. Ишхонамга чиқиб-тушгунча қадар кетган ярим соат ичида Ҳамро дўлоб ўғли билан ёнимиздаги ёпиқ бозордан анча нарсаси харид қилибди. Нима дейишимни билмай қолдим.

— Хафа бўлма, сен шаҳарда яшайсан. Бола-чақаларинг ҳам кўпайиб қолган деб эшитаман, — деди дўлоб тога самимий табассум билан.

Мен эса хижолатга ботдим. Ҳамкасблардан қарзга йигиб чиққан пул чўнтақда қоладиган бўлди.

Хуллас, ўша оқшом Ҳамро тога билан зўр гурунглашдик. У эрталаб роҳат қилиб ухлаганини айтиб, миннатдорлигини билдирди, хотинин билан меҳмонга боришимни тайинлаб, оёғимиз остига қўчқор сўйишини билдирди.

Тоғанинг қазо қилганини эшитиб кўп қуяндим. Шундай олижаноб одам-а? Букчайиб қолган Ултан ҳоладан, тоғанинг ўзидек мулоҳазали ўғиллари — Яраш, Донаш, Ражаббойлардан бориб кўнгил сўрадим. Қўтондаги қўй-эчкиларга қўзим тушди. Чўғи қамайдиган кўнгил.

— Бироз ўтир, ўғлим. Сен ўзимизнинг боламиздексан. Овқат қилаётган эдим. Ҳозир тайёр бўлади, — дея зорланди Ултан ҳола.

Нимадир кўнглимдан ўтиб, қўзимга ёш келди. Ая мени алқаб-алқаб фарзандлари билан дарвозагача кузатиб келди.

Инсондан ҳовли-жой, мол-мулк қолади, ортдан фарзандлари қолади. Бирок булардан да эъзозли яна бир нарсаси борки, уни инсонийлик, дейишарди. Ўзининг юксак инсоний фазилатларини оиласи, фарзандлари, элдошларига юқтириб, уларга ибрат бўлиб кетган инсоннинг номи учмайди. Зеро, яхшилар ёди бизни доимо яхшилик сари ундайди. Ҳамро тоғанинг инсонлик ибрати бизга шундан сабақдир.

Дилмурод ЖАББОР,
"Адолат" мухбири

Ўзбек қизи — чемпион

Одатда мағлубиятга учраётиб беллашув вақти тугашига санокли дақиқалар қолганида вазиятни ўз фойдасига ўзгартириб галаба қозониш спортчидан катта куч ва матонат талаб этади. Гулмирада айни шу ҳислат мужассамлиги боис ҳал қилувчи лаҳзаларда устозларининг юзини ерга қаратмади. Бор маҳоратини ишга солиб, бир уринишдаёқ рақибдан устун эканлигини намойиш эди. Финалда беш очко фарқ билан олдинда бораётган Янги Зеландиялик спортчи ўзбек қизининг шижоатига тан берди. Кураш бўйича Тошкентда ўтказилган жаҳон чемпионатининг олтин медали Гулмира Исмамовага насиб этди. Унинг галабаси шаънига Ўзбекистон байроғи баланд қилпираб, давлатимиз мадҳияси янгради.

Тайлоқ туманидаги Улғубек номи ширкат хўжалигида механизатор бўлиб ишлаётган Шукур Исмамов ва Гулнеҳра Ашурованинг оиласида ёлғиз қиз ҳисобланган Гулмира ўрта мактабни аъло баҳоларда тамомлагач, шу ердаги Олимпия захиралари спорт коллежига ўқишга кирди. Бу ерда малакали мураббий Баҳодир Бердиқулов кўмагида эркин кураш, самбо сирларини кунт билан ўрганди. Турли мусобақаларда қатнашиб, галаба иштиёқини ҳис эта бошлади. Илк совринини 2002 йили Термиз шаҳрида ўтказилган «Соглом авлод» мусобақаларида қўлга киритди. Уша йили ёшлар ўртасида ўтказилган республика чемпионатида кумуш, сўнгра самбо бўйича мамлакат биринчилигида олтин медалга лойиқ топилди.

Энди Гулмирага нуфузли халқаро мусобақаларда қатнашиш учун кенг йўл очилган эди. 2003 йил самбо бўйича Осиё чемпионатида самарқандлик спортчи қиз бронза медалини қўлга киритди. Уша йили Турон яққураши бўйича катталар ўртасида республика чемпионатида, ўтган йили эса миллий кураш бўйича мамлакат биринчилигида бош соврин соҳиби бўлди. Қолаверса, Самарқандда ўтказилган Ўзбекистон кубоги мусобақаларида миллий кураш бўйича яна битта олтин медал соҳибига айланди.



Олтин, кумуш ва бронза медаллар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Уларнинг сони 14 тага етиб қолган. Гулмира шу йил Жанубий Кореяда бўлиб ўтган эркин кураш бўйича қитъа чемпионатида учинчи ўринни эгаллагани ҳам унинг иқтидоридан далолат. Ва, ниҳоят яқиндагина Тошкентда яқунланган кураш бўйича жаҳон чемпионатида 70 килограмм вазнда майдонга чиқиб енгилмаслигини намойиш этди. Ўзбекнинг Барчинойига хос чинакам куч, иродасини кўрсатиб кўпларни лол қолдирди.

Гулмира ҳозир Самарқанд Давлат университети жисмоний тарбия факультетининг иккинчи курсида таҳсил олмоқда. Нияти келгусида спорт мураббийси бўлиш, ўзи сингари ёшларни тарбиялаш, янги-янги истеъдодларни кашф этиш.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири

Ҳаёт сабоқлари

Ҳамро дўлобнинг кенжаси Ражаббой ҳарбий хизматга жўнайдиган бўлиб қолибди. Уша пайтлар вилоят газетасида ишлардим. Ҳарбий коммиссариат идораси билан газета биноси оралиги 200 метр. Кимдир мен ишлайдиган матбуот уйини Ҳамро дўлобга узокдан кўрсатибди.

— Чақириб келинглар, — дебди дўлоб тога. Бордим. Йигитчага оқ йўл тиладим. Вақт тушдан оғгач, кузатув эртага қолдирилгани эълон қилинди. Кузатишга чиққанларнинг кўплари хайр-хушлашиб кишлоққа қайтишди. Мен Ҳамро дўлоб билан ўғлини меҳмонга таклиф қилдим.

Эртага ҳам келиш таъиниш борлиги учун тога шаҳарда қолишга розилик берди. Узимча уни чиройли меҳмон қилиб, дўлобнинг эсида қоладиган зиёфат ҳозирлашни дилимга тугдим. Ишхонамга чиқиб-тушгунча қадар кетган ярим соат ичида Ҳамро дўлоб ўғли билан ёнимиздаги ёпиқ бозордан анча нарсаси харид қилибди. Нима дейишимни билмай қолдим.

— Хафа бўлма, сен шаҳарда яшайсан. Бола-чақаларинг ҳам кўпайиб қолган деб эшитаман, — деди дўлоб тога самимий табассум билан.

Мен эса хижолатга ботдим. Ҳамкасблардан қарзга йигиб чиққан пул чўнтақда қоладиган бўлди.

Хуллас, ўша оқшом Ҳамро тога билан зўр гурунглашдик. У эрталаб роҳат қилиб ухлаганини айтиб, миннатдорлигини билдирди, хотинин билан меҳмонга боришимни тайинлаб, оёғимиз остига қўчқор сўйишини билдирди.

Тоғанинг қазо қилганини эшитиб кўп қуяндим. Шундай олижаноб одам-а? Букчайиб қолган Ултан ҳоладан, тоғанинг ўзидек мулоҳазали ўғиллари — Яраш, Донаш, Ражаббойлардан бориб кўнгил сўрадим. Қўтондаги қўй-эчкиларга қўзим тушди. Чўғи қамайдиган кўнгил.

— Бироз ўтир, ўғлим. Сен ўзимизнинг боламиздексан. Овқат қилаётган эдим. Ҳозир тайёр бўлади, — дея зорланди Ултан ҳола.

Нимадир кўнглимдан ўтиб, қўзимга ёш келди. Ая мени алқаб-алқаб фарзандлари билан дарвозагача кузатиб келди.

Дилмурод ЖАББОР,
"Адолат" мухбири

Тиббий хизмат

Марғилонда саломатлик тадбири

андиконлик шифокорлар ёрдамида ўтказилди

Яқунланаётган 2005 йил — Сихат-саломатлик йили барча шифокорлар қатори тиббиёт институтлари ходимлари зиммасига ҳам масъулиятли вазифаларни юкларди. Жамият олдидаги шарафли бурчларини адо этишга бел боғлаган Андижон Давлат тиббиёт институтининг профессор-ўқитувчилари аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ишлаб чиқилган махсус режа асосида бир қанча ишларни амалга ошириб келишмоқда.

Октябрь ойининг биринчи ярмида Марғилон шаҳрида бир гуруҳ юқори малакали мутахассислар — акушер-гинекологлар, эндокринолог, инфекционист ва бошқалар шаҳар аҳолисига, аёллар ва ўсмирларга кенг қўламли тиббий хизмат кўрсатиб, қўриқдан ўтказдилар. Учта поликлиникада огир касалларга аниқ тахис қўйиб, даволаш режаларини тузишда ёрдам бердилар. Шунингдек, йигирмадан ортиқ маҳаллада, коллеж ва ўрта мактабларда "Ўз саломатлигини ўзининг муҳофаза қилишнинг ота-боболаримиздан қолган удум", "Буюк мутафаккирлар инсон саломатлиги ҳақида", "Мустақиллик барчамиз учун улғунма" мавзуларида қизиқарли суҳбатлар ўтказилди.

Учрашувлар мунозара ва ошқора фикр алмашувлар руҳида ўтди. "Янги бог", "Бахрин", "Пичоқчи", "Янги Марғилон", Охунбобоев номи маҳаллалар аҳолиси билан бўлган учрашувларда нафақат саломатликка, балки бугунги ижтимоий ҳаётга доир долзарб мавзуларда

ҳам мулоҳаза юритилди. Вилоят ҳокимлиги томонидан институтга ажратилган иккита "Дамас" автомашинасида ўн беш нафар профессор-ўқитувчилар ўн кун мобайнида водийнинг шаҳар ва кишлоқларига мунтазам қатнаб аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатди, даволаш ва скрининг ишларини амалга оширди. Айниқса, уларнинг акушерлик, гинекология, эндокринология, ички ва юқумли касалликлар бўйича берган қўмақлари, энг замонавий асбоб-ускуналар ёрдамида қўйилган тахисларига гоятда самарали бўлди. Акушер-гинекологлардан С.Ашурова, Р.Нишнова, Л.Абдурахмонова, У.Авезова, О.Якубовалар уч юзга яқин беморни қўриқдан ўтказиб, маслаҳатлар беришди ва олти юз нафар балоғат ёшидаги қизлар учун мазмуни суҳбатлар уюштиришди.

Эндокринологлардан Р.Сайфутдинова ва А.Айнидова қандли диабет хасталигига чалинган беморларнинг замонавий тиббиётдаги энг сунгги даволаш усуллари билан муолажа қилишда ўзларининг зарур кўрсатмаларини беришди. Доцентлар И.Ғаниева, У.Аҳмадалиева, Д.Махсумова, У.Ғофуровалар ҳар кун 20-25 нафар беморни кузатувдан ўтказиб, уларга аниқ тахис қўйиб, даволашга доир зарур кўрсатмаларни бердилар.

Институт профессора-

Ўзбекистон
«Адолат» СДП
Сийсий
Кенгашининг
ижтимоий-сийсий
газетаси

Бош муҳаррир
Бахтиёр
АБДУСАТТОВ

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан
016 рақами билан
рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент
шаҳри, Матбуотчи-
лар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:

Кабулхона — 133-40-86
136-53-14
Факс — 133-41-89
Котибият — 136-55-96
Сийсат ва партия ҳаёти бўлими — 136-55-64
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-55-64
Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Набатчи
муҳаррир —
Б. Тошназаров
Набатчи —
М. Абдушукров
Мусахх —
Н. Мухсимова
Саҳифаловчи —
Л. Турсунов

• «Адолат»дан қўчи-
риб босиш фақат
таҳририят рухсати
билан амалга ошири-
лади.
† — Мазкур белги
остида тижорат мако-
лалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа акциядорлик
компанияси босмахо-
насида чоп этилди.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г — 100
Ҳажми — 2 босма
табоқ.
Офсет усулида
босилган
Қоғоз бичими А-2.

Нашр индекси —100
Ҳафтининг жума
кунлари чиқади.

Босишга топшириш
вақти — 20.00
Босишга топширилди
—

ўқитувчилари Марғилон шаҳар поликлиникалари ва шифохоналарида фаолият юритаётган шифокорлар билан ўз тажрибаларини ўртоқлашиб, уларни тиббиётдаги сунгги янгиликлардан хабардор қилишди. Мутахассисларнинг Марғилонга қилган сафари шаҳар телевидениеси орқали изчил ёритиб борилди ва бу тадбир профессор-ўқитувчиларнинг давра суҳбати билан янгуллади.

Сихат-саломатлик йилида Марғилон аҳолисига, шифокорларига, беморларга ва шифохона тизими раҳбарларига қўрсатилган бу бе-миннат ёрдам аҳоли сало-матлигини сақлашда ўз на-тижасини беради, албатта.

К. МИРЗАЕВ,
тиббиёт фанлари
доктори

Ўзбекистон «Адолат» СДП раҳбарияти Қорқалпоғи-
тон Республикаси «Адолат» СДП Сийсий Кенгаши би-
ринчи котиби Дарийбой Дашетовга падари бузуқвор
АТАБой отанинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.